

6-29-2019

THE ROLE OF LITERATURE IN PROTECTION OF YOUTH FROM THE INFORMATION-PSYCHOLOGICAL ATTACKS

Y. Karimov
Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Social and Behavioral Sciences Commons](#)

Recommended Citation

Karimov, Y. (2019) "THE ROLE OF LITERATURE IN PROTECTION OF YOUTH FROM THE INFORMATION-PSYCHOLOGICAL ATTACKS," *BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 19.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2019/iss2/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ЁШЛАРНИ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БАДИИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

Й.Каримов

Гулистон давлат университети, 120100. Гулистон шаҳри.

E-mail: yuldosh777@mail.ru

Abstract

THE ROLE OF LITERATURE IN PROTECTION OF YOUTH FROM THE INFORMATION-PSYCHOLOGICAL ATTACKS

Y.Karimov

The article examines the role of literature in protection of youth from the information-psychological attacks, as well as, features of some books, expansion of outlook and restoring the human personality.

Keywords: information attack, fiction, globalization, education of the person.

Аннотация

ЁШЛАРНИ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БАДИИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

Й.Каримов

Мақолада ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда, бадиий адабиётнинг ўрни, инсон шахсининг шаклланишида, дунёқарашини кенгайтиришда китобнинг аҳамияти масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ахборот хуружи, бадиий адабиёт, глобаллашув, шахс тарбияси

Аннотация

РОЛЬ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ЗАЩИТЕ МОЛОДЁЖИ ОТ ИНФОРМАЦИОННО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ АТАК

Й.Каримов

В статье рассмотрена роль художественной литературы в защите молодёжи от информационно-психологических атак, а также, особенности книг, расширение мировоззрения и восстановление личности человека.

Ключевые слова: информационная атака, художественная литература, глобализация, воспитание личности.

Бугунги глобаллашиб бораётган дунёда мураккаб ахборот-психологик вазият юзага келмокда. Шу маънода халқимиз ҳам мисли кўрилмаган даражада ахборот босими кучайган шароитга дуч келиб турибди. Бу шароитда инсон ўзлигини сақлаб қолишнинг имконияти борми, бунга қандай эришиш мумкин деган саволлар ҳар бир кишини ҳам ўйга толдириши табиий.

Ахборотлашган жамият бугунги тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Усиз замонавий тараққиётни, у яратиб бераётган имкониятларсиз эса турмушимизни тасаввур этиш мушкул. Танганинг икки томони бор деганларидек, ахборот хавфсизлиги ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши, улардаги кизиқувчанлик, беқарорлик ва бошқа психологик хусусиятлари масалага ўта жиддий қарашни тақозо этади. Биринчидан, ёшлар кичик ёшдан бошлаб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда катталарга қараганда осон

ўзлаштиради. Иккинчидан, уюлмаган ёшлар ўртасида ижтимоий муаммолар, хусусан, ишсизликнинг мавжудлиги уларни виртуал хатарларга осонроқ берилишига сабаб бўлади.

Инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида китобнинг ўрни ниҳоятда катта. Бугунги замонавий дунёда инсон интеллект асосий мезон бўлаётганини ҳисобга олсак, ёшлар ўртасида китобга меҳр китобхонликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда китоб тарғиботи ва китобхонликни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ниҳоятда асосли ва аҳамиятга эга. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2017).

Жамиятни маърифатли қилиш, инсонни жаҳолатдан қутқаришда бадиий адабиёт ва китоб асосий восита ҳисобланади. “Маърифат – бу инсоннинг ўз айби билан қоладиган вояга етмаганлик ҳолатидан чиқишидир. Вояга етмаганлик бу ўз ақли ва фикридан четдан кимнингдир бошқарувисиз фойдалана билмасликдир. Ўз айби билан вояга етмаслик ҳолати бу ақлий етишмаслик эмас, балки қатъият ва жасоратнинг етишмаслиги ҳамда ақлдан кимнингдир ёрдасиз фойдаланолмасликдир. *Sapere aude!* Ўз ақлингни ишлатишга журъатли бўл! – бу маърифатнинг шиоридир (Кант, 1964).

Бадиий адабиёт инсонга оламни бадиий эстетик англашга, сўзнинг қудрати, сўзнинг таъсири инсон тафаккурида эврилишга, дунёқарашнинг кенгайишига ёрдам беради. Ёшларни ахборот-психологик хуржлардан ҳимоя қилишда бадиий адабиётнинг ўрни қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, бадиий адабиёт инсоннинг ёшлиқдан дунёқарашини кенгайтиришга, мулоҳазакорликка, сўз бойлигининг ошишига ёрдам беради;

иккинчидан, бадиий адабиёт инсонда инсонпарварлик, инсонни улуғлаш, инсонийлик ғояларининг устувролигини босқичма-босқич шакллантиради;

учинчидан, бадиий адабиёт ёшларда миллий кадриятларга ҳурмат, она юртни улуғлаш, бир сўз билан айтганда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялайди;

тўртинчидан, инсонда ҳаётининг позицияни белгилашга, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрга эга бўлишга ўргатади.

Инсонда кичик ёшдан бошлаб, аввал эртақ, кейинчалик ҳикоя, қисса ва романларни мунтазам мутолаа қилиш кўникмасини шакллантириш зарур.

Тўғри бугунги кунда китоб ўқиш тезкор замонда маълум маънода кўп вақтни олади. Лекин ёшларимиз усиз ҳам кўп вақтини компьютер, телевизор, телефон ва бошқа воситаларга сарфлашмоқда. Ёшларда бадиий адабиётга ҳавас уйғотишда:

биринчидан, мактабда адабиёт дарсларининг ўрни катта, бунинг учун адабиёт дарсларининг савиясини ошириш, етук адабиёт ўқитувчиларини тарбиялашга эътибор қаратишимиз керак;

иккинчидан, ота-оналарнинг бадиий асарлар ўқишига эришиш, қачонки уйда ота-онанинг ўзи китоб ўқир экан, албатта, фарзанд ҳам китоб мутолаа қилади. Ҳар бир ота-она уйда мўъжазгина бўлса ҳам кутубхона бўлишига эришиши лозим;

учинчидан, бугунги кунда чоп қилинаётган бадиий нашрларни юртимизнинг чекка ҳудудларигача етиб боришини таъминлайдиган тизим барпо этиш керак. Чунки янги китоблар марказдан вилоят ёки туман марказидан нарига ўтмаяпти;

тўртинчидан, чоп қилинаётган китоблар нархининг қимматлиги, ҳамманинг ҳам китоб сотиб олишга имконияти йўқлиги сабабли, кутубхона тизимини мунтазам ишлашини йўлга қўйиш, ҳар бир ҳудудда етарли фондга эга кутубхоналар барпо этиш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, бадиий адабиётларнинг электрон вариантларини тайёрлаш, бундай электрон ресурслар орқали ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш;

олтинчидан, китобхонликка бугунги кунда бозор адабиётининг ҳам пайдо бўлгани бадиий дид ва санъаткорона ёндашувни камайтирмоқда. Бадиий савиясиз асарларни чоп этишнинг

мавжудлиги, айрим ёшларда китоб танлаш тажрибасининг камлиги, яхши китоб ва ҳақиқий адабиёт тарғиботини кучайтиришни тақазо этмоқда.

Мамлакатимизда кейинги икки ярим йил давомида шиддатли ислохотлар жараёни кечаяпти. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, фаол тадбиркорлик муҳитини яратишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу маънода юртимизда китобхонлик ва китоб тарғиботини амалга ошириш бўйича ҳам илғор ташаббуслар олға сурилмоқда. Буларга:

- китобларни арзонлаштириш учун мамлакатимизда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- китоб савдоси билан шуғулланаётган тадбиркорларга имтиёзлар бериш;
- ҳар бир маҳалла ҳудудида кутубхоналар ташкил этиш;
- “Йилнинг энг яхши китоби”, “Китобхон оила”, “Энг яхши болалар китоби”, “Энг яхши китобхон” каби танловлар ҳамда турли маданий-маърифий тадбирларда “назм ва наво” анъаналарини янада кенг ривожлантириш зарур. Яъни, бундай анжуманларда санъат аҳли қаторида шоиру адиблар, драматург ва сценарийнавислар иштироки учун кенг имконият яратиш яхши самара беради;

- ота-оналар мунтазам равишда ўз фарзандларини китоб дўконларига олиб боришлари, уларнинг кутубхонага қатнашини рағбатлантиришлари, оилавий, шахсий кутубхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш, аҳоли ўртасида китоб совға қилиш анъанасини кенг тарғиб қилиш керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларнинг дунёқараши, билими, атрофдаги бўладиган воқеа-ҳодисаларга муносабати эртанги кунимизни, келажакимизни белгилашда муҳим омил ҳисобланиб, бунда китоб ва китобхонлик етакчилик қилади. Зеро, китобхон халқни ҳеч ким йўлдан чалғитолмайди.

Инсоннинг ҳаётининг маъносини белгилайдиган, унинг билимли, тарбияли, касб-ҳунарли ва албатта бахтли ва кам бўлмаслигининг муҳим омили – бу китобга ошно бўлиш, ҳамиша китоб ўқиш ва китоб мутолаасини бир умрлик одатга, ҳаётининг бир қисмига айлантиришдир. Айниқса, жамиятнинг ривожини, тараққиётнинг лақомативи инсон капитали, инсон тафаккури, интеллектуал ривожланишда китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонни ҳам ақлан, ҳам ахлоқан, ривожланишига, ўзига хос шахс сифатида шаклланишига, дунёга ўзгача нигоҳ билан боқишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 14 сентябрь 184 (6878).

Кант И. Критика чистого разума. М., 1964. Т. 3 –С. 85.